

ЎЗБЕКИСТОН — БЕЛАРУСЬ: ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ДЎСТЛИККА АСОСЛАНГАН МУНОСАБАТЛАР АМАЛИЙ МАЗМУН БИЛАН БОЙИМОҚДА

«Кўксарой» қароргоҳида 8 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенкони тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.



Ўзбекистон ва Беларусь байроқлари билан безатилган майдонда олий мартабали меҳмон шарафига faxрий қоровул саф тортиди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Беларусь етакчисини самимий кутиб олди ва шохсупага таклиф қилди. Икки мамлакат мадҳиялари янгради.

Давлат раҳбарлари faxрий қоровул сафи олдида ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини кутиладилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко тор доирада ҳамда икки мамлакат расмий делегациялари иштирокчида музокара ўтказдилар.

Давлатимиз раҳбари учрашувни очар экан, кейинги йилларда Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар сифат жиҳатдан янги, янада юқори босқичга кўтарилганини алоҳида таъкидлади.

Беларусь Президентининг ушбу ташрифига тайёргарлик доирасида қатор тадбирлар, шу жумладан, Хукуматлар-

аро комиссия йиғилиши, ҳудудлар, ректорлар, тиббиёт ходимлари форумлари муваффақиятли ўтказилди.

Хукумат раҳбарлари, парламентлар, вазирлик ва ҳудудлар даражасидаги фаол алоқаларни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Томонлар халқаро тузилмалар, шу жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, МДХ, ШХТ доирасидаги сиёсий мулоқот ва ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттиришга аҳдшилиб олдилар.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ижобий суръати мамнуният билан қайд этилди. Утган йил якунларига кўра товар айирбошлаш ҳажми 15 фоизга ошди.

Хукуматлар олдида ушбу кўрсаткични яқин йилларда 1 миллиард доллардан зиёдга етказиш вазифаси қўйилди.

Шу мақсадда қўшма ташқи савдо компаниясини ташкил этиш, экспорт-импорт етказиб беришни қўллаб-қувватлаш механизмлари ва махсулотларни сертификатлаштириш электрон тизимини жорий қилиш бўйича келишувга эришилди.

Бундан ташқари, томонлар юк ташиш учун қулай шароит яратиш, халқаро автотомобилда ташувчиларни тайёрлаш, Жанубий Осиёнинг қатта бозорларига элтувчи мультимодал коридорлардан самарали фойдаланишга келишиб олдилар.

Кооперация алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Кейинги йилларда қўшма корхоналар сони 4 баробар кўпайди.

Музокараларда давлат раҳбарлари кооперациянинг устувор йўналишларини белгилаб бердилар. Булар — қишлоқ хўжалиги, енгил, озиқ-овқат ва электротехника саноати, фармацевтика, шаҳарсозлик, коммуникациялар ва бошқалар. Барча йўналишлар бўйича алоҳида ишчи гуруҳларни шакллантиришга келишиб олинди.

Етакчилар ҳудудлараро алмашинув фаоллашганини олқишладилар. Кўни кеча утган Ўзбекистон ва Беларусь ҳудудлари иккинчи форумининг самарали натижалари алоҳида қайд этилди: унинг якунлари бўйича қиймати 1 миллиард доллардан зиёд шартнома ва битимлар имзоланган.

Томонлар фаол маданий-гуманитар алмашинуви давом эттиришга келишиб олдилар. Олий ва профессионал таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва туризм соҳаларида шерикликни ривожлантириш дастурлари қабул қилинади.

Йиғилишда расмий делегациялар аъзоларининг ҳисоботлари, музокаралар кўн тартибидagi масалалар юзасидан аниқ таклифлари тингланди.

Учрашувлар якунида қабул қилинган қарорлар ва имзоланган келишувларни амалга оширишга доир қўшма “Йўл харитаси”ни тайёрлаш ва қабул қилиш бўйича келишувга эришилди.

Олий даражадаги музокаралардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко қўшма баёнот қабул қилдилар.

Давлат раҳбарлари ҳузурида қатор муҳим икки томонлама ҳужжат ва битимларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Шу жумладан: — 2024-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси;

— Махсулотларни сертификатлаштириш электрон тизимларини қўллаш тўғрисида битим;

— Рақобатни ривожлантириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Илм-фан ва ишлаб чиқаришда ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Тошкент ва Минск шаҳарлари ўртасида биродарлик муносабатларини ўрнатиш ва кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида битим;

— Энергетика соҳасида ҳамкорлик тўғрисида баённома;

— Интеллектуал мулк соҳасида ҳамкорлик тўғрисида баённома;

— 2024-2025 йилларда спорт соҳасида ҳамкорлик дастури;

— 2024-2025 йилларда маданият ва санъат соҳасида ҳамкорлик дастури;

— 2024-2025 йилларда мактабгача таълим муассасаларининг педагог кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида ҳамкорлик дастури;

— 2024-2025 йилларда таълим соҳасида ҳамкорлик бўйича “Йўл харитаси”;

— 2024 — 2026 йилларда агро-саноат мажмуида ҳамкорлик бўйича “Йўл харитаси”;

— Ўсимликлар карантини соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қўшма чора-тадбирлар режаси;

— 2024-2025 йилларда туризм соҳасида

сида ҳамкорлик бўйича чора-тадбирлар режаси.

Бундан ташқари, ташриф доирасида 2024 йилда Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Республикаси ҳудудлари делегацияларининг ўзаро ташрифлари режа-жадвали имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко музокаралардан сўнг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун баёнот бердилар.

Ташриф арафасида ўтказилган Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши, Ҳудудлараро форум ва Ишбилармонлар кенгаши йиғилиши натижалари мамнуният билан қайд этилди. Бунгача етакчи олийгоҳлар ректорлари ва тиббиёт муассасалари раҳбарларининг учрашувлари бўлиб ўтган эди.

Ўзбекистон Президенти журналистлар эътиборини кейинги йилларда Ўзбекистон — Беларусь ҳамкорлигида рўй берган сифатли ўзгаришларга қаратди. Барча даражалардаги мулоқотлар фаоллашгани, товар айирбошлаш ҳажми, кооперация лойиҳалари сони ошгани, маданий-гуманитар алмашинув ва тўғридан-тўғри авиақатновлар қайта тиклангани қайд этилди.

Етакчилар музокаралар атрофлича бўлгани, Ўзбекистон — Беларусь муносабатларининг кенг доираси батафсил муҳокама қилингани, кўп қиррали шерикликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, мақсад ва вазифалари белгилаб олинганини маълум қилдилар. Минтақавий ва халқаро ташкилотлар — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, МДХ, ШХТ доирасидаги мулоқотни мустаҳкамлашга томонларнинг интилиши қатъий экани таъкидланди.

Товар айирбошлашни кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Қўшма ташқи савдо компаниясини ташкил этиш ва савдонини қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий қилишга келишиб олинди.

Саноат кооперациясининг устувор соҳалари белгилаб олинди.

Ҳудудлараро алоқалар салоҳияти ва имкониятларини самарали ишга солишга алоҳида эътибор қаратилди.

Маданият ва санъат, олий ва профессионал таълим, туризм, ёшлар ва спорт соҳаларидаги фаол алмашинувлар давом эттирилади. Соғлиқни сақлаш борасидаги ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари белгилаб олинди.

Томонлар навбатдаги тиббиёт, таълим ва туризм форумларини ташкил этишга келишиб олдилар.

Эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон билан Беларусь ўртасидаги дўстлик муносабатла-

рини мустаҳкамлашга хизмат қилиши, кўп қиррали шерикликини аниқ амалий мазмун билан бойитишга ишонч билдирилди.

“Кўксарой” қароргоҳида Ўзбекистон — Беларусь саммити якунланган, биргаликда дархат экиш маросими бўлиб ўтди.

Фахрий меҳмонлар хийбонида Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Александр Лукашенко мамлакатларимиз ҳамда халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга интилиш рамзи сифатида дархат экидилар.

Сўнг Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Тошкент шаҳридаги Технопаркка ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмон эътиборига Технопарк корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маиший техника, электрон ҳисоблагичлар, лифт ва эскалаторлар, насослар, саноат қозонхоналари, совитиш тизимлари каби кенг турдаги юқори технологик махсулотлар тақдим этилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган саноат мажмуида умумий қиймати 365 миллион долларлик 17 та ишлаб чиқариш қуввати joyлаштирилган. Жорий йилда бу ерда логистика маркази иш бошлайди.

Махсулотлар хорижий брендлар остида ва улар назоратида ишлаб чиқаришда, ички ва хорижий бозорларда уларга талаб юқори. Товарлар дунёнинг 10 та мамлакатига экспорт қилинмоқда.

Президентлар етакчи корхоналар кооперациясини, тажриба алмашиш ва технологиялар трансферини кенгайтириш зарурлигини таъкидладилар.

Шу кўни Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ҳамроҳлигида “Янги Ўзбекистон” боғига борди. Олий мартабали меҳмон мухташам бадийи обиди — Мустақиллик монументи пойига гул қўйди.

Александр Лукашенко ушбу муаззам боғнинг бунёд этилиш тарихи билан танишди. Мустақиллик монументида акс эттирилган буюк алломалар, қаҳрамон саркарда ва жаҳонгирлар, жадид болаларимиз ҳақида сўзлаб берилди.

Делегация аъзолари “Янги Ўзбекистон” мажмуасининг гоёвий ва меъморий ечимларига эътибор қаратди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АБВАЛБЕКОВ,
ЎЗА МАЖЛИСЛАРИ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ИҚТИСОДИЁТ СОҲАЛАРИ УЧУН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жаҳон бозорида рақобатнинг тобора кескинлашуви шароитида мамлакат иқтисодий тараққиётини таъминлашда таълим сифати ва илмий салоҳиятни кўтариш орқали кадрлар тайёрлаш тизимининг самарадорлигини янада ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, иқтисодиёт ва молия соҳасидаги олий таълим муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, уларда самарали бошқарув тизимини

йўлга қўйиш, ўқув жараёнларига энг сўнгги педагогик технологияларни жорий қилиш, илмий фаолиятни жаҳон стандартлари асосида ташкил этиш, уларнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини янада ошириш, илгор хорижий таърибга эга илмий-педагогик кадрларни кенг жалб қилиш мамлакат иқтисодиёти ҳамда молия тизимлари учун рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси ҳисобланади.

Иқтисодиёт ва молия соҳалари учун юқори малакали ҳамда халқаро талабларга мос мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ўқув ҳамда илмий жараёнларни халқаро стандартларга асосланиб инновацион шакл ва усуллар асосида ташкил этиш, шунингдек, олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

(Давоми 2-бетда).



«МУАЛЛИМ ҚУЛЛУҒИГА ХАТ БЕРУРМЕН...»

Мамлакатимизда шеърят мулкнинг мангу султони, буюк шоир ва мутафаккир Мир Алишер Навоий ҳазратлари таваллудининг 583 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Президентимиз улуғ бобомиз Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига чуқур сингдириш борасида ибратли фикрларни ҳамиша қайта-қайта таъкидлайди. Ҳазрат Навоий илгари сурган жаҳолатга қарши қурол-ярроғ эмас, фақатгина билим ва маърифат билан курашиш, эллар ва диллар аро мустаҳкам кўприк ўрнатишдек умумбашарий гоёлар турли ёвузликлар хуружга келган бугунги сертахлика ва хатарнок дунёда гоёат муҳимдир.

Талқин

Барчамизга яхши маълумки, Навоий бобомиз мурғак чоғлариданоқ билим олишга интилган, Фаридудин Аттор ҳазратларининг “Мантиқ ут-тайр”дек буюк асарини ёд олган эзқо ва беназир китобхон бўлган.

Чун кичик ёштин манга бўлди насиб
Назм адосида ҳаёлот қариб.
Шеър ҳар синфинки қилдим ибтидо,
Турк алфози била топти адо...

...Менки турк алфозиға айлаб шуруъ,
Назм топти табуу қилқимдин вуқуъ.
Чун саҳоби таълим ўлди дурдишон,
Назмима эрди Навоийдин нишон.
Давлатимиз раҳбари буюк шоир Алишер Навоий асарларини хорижий тилларга таржима қилиш ва жаҳон китобхонларига яқиндан таъинлаштириш бўйича алоҳида кўрсатмалар бериб, айни пайтда улуғ бобомизнинг асарлари ўз замонасидаёқ жаҳон шеърятининг пири қомилларидан мавлоно Абдурахмон Жомий томони-

дан юксак эътироф этилгани ҳақида шундай ёзган: “...Абдурахмон Жомий ҳам Алишер Навоий ижодини юксак кадрлагани тарихий манбалардан яхши маълум. “Хираднома Искандарий” дostonида Навоийнинг истеъдоди ва маҳоратига юксак баҳо бериб, “У Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Деҳлавий панжасига муносиб панжа ура олди, ҳатто улардан ҳам ўзиб кетди. Яхшиямки, у ўз асарларини туркий тилда яратди, агар форсийда қалам тебратганида борми, бошқаларга бу майдонда жавлон уриш учун мажол қолмас эди”, дея мадҳ этади. Бу эътироф мавлоно Жомий Навоийнинг туркийда ёзган асарларини ҳам мунтазам ўқиб, унга ўз муносабатини билдириб борганидан далолат беради”.

Боқуда озарбайжонлик навоийшунос олимларнинг Алишер Навоий ижодиға бағишланган бир қанча китоблари нашр қилинди. Масалан, Олмос Улвийнинг озар тилидаги “Алишер Навоийнинг асри ва насри” китоби чоп этилди. Озарбайжонлик

таржимон Ромиз Аскар томонидан Алишер Навоийнинг “Хамса”, “Маҳбуб ул-қуллуб” асарлари озарбайжон тилига ўғирилди.

Адиб ва таржимашунос олим Қалдибек Сейдановнинг “Навоий ва қозоқ адабиёти” китоби нашр этилди. Буюк шоирнинг “Маҳбуб ул-қуллуб” асари ўрозбой Абдурахмонов томонидан қоракалпоқ тилига, Несипбек Айтили томонидан қозоқ тилига таржима қилинди.

Навоий бобо “Лисон ут-тайр”да ёзади: *Ким бу дафтарга бериб таъфиқ Ҳақ, Таржума расми била ёсам варақ.*

Президентимиз ташаббуси билан ўзбек адабиётидан қилинган энг яхши таржима асарлар учун Навоий бобомизнинг муносиб издoshi Мухаммад Ризо Оғайи номидаги халқаро муқофотнинг ташкил этилаётгани бу соҳада янги Ўзбекистонда муҳим ислохотлардан бири бўлади.

Оғайи муқофоти Навоий номидаги халқаро муқофотга узукка кўз қўйгандек ярашиб тушгани барчамизга фахр ва гурур бағишлайди.



Сенат Кенгашида

НАВБАТДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИСНИ ЧАҚИРИШ ЮЗАСИДАН ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Мажлисида Сенатнинг эллагинчи ялпи мажлисини 2024 йил 9 февраль куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Таъкидланганидек, видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган ялпи мажлисда қатор масалаларни муҳокама қилиш назарда тутилган. “Қамбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига кредит мажбуриятларини бажариш тартибини такомиллаштириш ҳамда аҳолининг микромолиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ёнгинлар профилактикаси самарадорлигини оширишга қаратилган қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонунлар шулар жумласидандир.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллагинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллагинчи ялпи мажлиси 2024 йил 9 февраль куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлис залига ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис видеоконференцалоқа тарзида ўтказилиши режалаштирилган.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёртиб борилади.

ИҚТИСОДИЁТ СОҲАЛАРИ УЧУН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Солиқ қўмитасининг **Тошкент давлат иқтисодиёт университети**ни унга Тошкент молия институти ва Фискал институти (кейинги ўринларда — Университет) қўшиб олиш йўли билан қайта ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Университетнинг **асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари** этиб белгилансин:

иқтисодиёт, молия ва солиқ соҳалари бўйича дунёдаги сўнгги тенденциялар, молиявий технологиялар, илгор хорижий тажриба ва реал иқтисодиёт талабларини ҳисобга олган ҳолда олий маълумотли **кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш**;

ўқув жараёнида халқаро таълим стандартларини жорий этиш, таълим ва тадқиқот уйғунлигини таъминлаш орқали **иқтисодиёт тармоқлари учун илгор инновациялар ишланмалар яратиш**, талабаларда **тизимли таҳлил қилиш, креатив фикрлаш ва амалий кўникмаларни шакллантириш**;

замонавий ўқув-илмий лабораториялар ва симуляцион марказлар ташкил этиш орқали **“таълим — фан — инновация — рақамлаштириш” экотизимини** ва соҳани ривожлантиришга қаратилган илмий-инновацион **тадқиқотлар трансферини самарали йўлга қўйиш**;

иқтисодиёт, молия ва солиқ соҳаларини ривожлантиришнинг долзарб йўналишлари бўйича **илмий лойиҳаларни амалга ошириш**, уларнинг натижаларини **жорий этиш юзасидан илмий ва амалий тақлифлар ишлаб чиқиш**;

жаҳон таълим ва илмий маконида Университетнинг нуфузини ошириш, етакчи хорижий университетлар билан академик ва илмий ҳамкорликни ривожлантириш, профессор-ўқитувчиларнинг **хорижий илмий-амалий стажировкасини** тизимли йўлга қўйиш.

3. Белгилансинки:

а) Университет иқтисодиёт, молия ва солиқ соҳалари учун олий маълумотли мутахассислар ва илмий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ҳамда методик таъминот бўйича **етабчи олий таълим муассасаси** ҳисобланади;

б) Тошкент молия институти ва Фискал институтида таҳсил олаётган барча талабалар ўқишини Университетда давом эттирадиган ҳамда 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб битирувчи курс талабаларига белгиланган тартибда **Университет дипломи бериладиган**;

в) Университетда **2024/2025 ўқув йилидан бошлаб**:

таълим жараёни давлат тили, инглиз тили ва бошқа хорижий тилларда олиб борилади; бакалаврият ва магистратура босқичига ўқишга қабул қилинган иқтидорли талабалар учун алоҳида **хорижий тилларда ўқитиладиган** гуруҳлар ташкил этилади;

таълим дастурлари халқаро тан олинган рейтингларда **биринчи 300 талик рўйхатга кирган хорижий олий таълим ташкилотларининг дастури** асосида босқичма-босқич ишлаб чиқилади; таълим жараёнига етакчи профессор-ўқитувчилар ҳамда тегишли соҳаларда камида 5 йиллик **амалий тажрибага эга бўлган иқтисодиёт, молия ва солиқ тизимларида ишлаган мутахассислар жалб этилади**;

иқтисодиёт, молия ва солиқ соҳаси ходимларининг **малакасини ошириш тизими** йўлга қўйилади;

г) Университетга талабаларни **ўқишга қабул қилиш 2024/2025 ўқув йилидан бошланади**. Бунда давлат гранти бўйича ўқишга қабул қилиш давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари доирасида белгиланади;

д) Университет:

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига идоровий жиҳатдан бўйсунди, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Солиқ қўмитаси Университет фаолиятини самарали ташкил этиш, малака талабларини ишлаб чиқиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, талабаларга амалиёт базаларида шaroитлар яратишда **кадрлар буюртмачиси сифатида кўмаклашади**;

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган мурғра ва бланкларга, мустақил балансга ҳамда шахсий газна ҳисобоваракларига эга бўлади;

Тошкент молия институти ва Фискал институтининг **ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси** ҳисобланади.

4. Қуйидагилар:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети **қузатув кенгашининг таркиби** 1-иловага мувофиқ; **2024 — 2027 йилларда** Тошкент давлат иқтисодиёт университетида **кадрлар тайёрлаш тизимини самарали йўлга қўйиш, илмий салоҳиятни ошириш ва моддий-техник базани мустаҳкамлаш бўйича “Йўл харитаси”** 2-иловага мувофиқ;

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида **оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул**

бериладиган объектлар рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Кузатув кенгаши (Кўчқоров):

а) **2024 йил 1 апрелга қадар** Университетнинг бошқарув кадрлари лавозимларига етакчи хорижий олий таълим муассасаларида иш тажрибасига эга бўлган мутахассисларни жалб қилиш чорасини кўрсин;

б) **2024/2025 ўқув йили бошлангунига қадар** тажрибага эга бўлган лойиҳалаштириш ташкилотини жалб қилсин ва Университетнинг мавжуд ҳудудлари ва бино-иншоотлари негизида **замонавий кампусни бунёд этиш бўйича мастер режани ишлаб чиқсин** ҳамда унда қуйидагиларни назарда тутсин:

Университетнинг Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 183-уй манзилидаги ҳудудида халқаро стандартларга жавоб берадиган ўқув аудиториялари, коворкинг марказлари, IT лаборатория, бизнес инкубатор ва анжуманлар залини ўз ичига олган мультифункционал кўп қаватли бинони барпо этиш;

Университет кампуси ва улардаги бино-иншоотларни юқори тезликдаги интернет билан ягона тармоққа боғлаш, ўқув ва илмий тадқиқот жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш;

талабалар учун қўшимча қулайлик яратиш мақсадида маънан ва жисмонан эскирган бинолар ўрнида янги талабалар тураржойи, замонавий спорт заллари, ошхоналар ва бошқа бино-иншоотларни қуриш.

6. Университетда маблағлари ҳомийлик хайриялари ҳисобидан шакллантириладиган **Университетни ривожлантириш жамғармаси** ташкил этилсин.

Белгилансинки, Университетга тушган тўлов-контракт маблағларининг сақлаш ва жорий харажатлардан ортган қисми Университетни ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади ҳамда таълим жараёнига яшилш ва моддий-техника базасини ривожлантириш учун Кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ ишлатилади.

7. Кузатув кенгаши (Кўчқоров), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Университет фаолиятини такомиллаштириш ва таълим сифатини ошириш мақсадида икки ой муддатда хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда Университет ҳузурида **Трансформация марказини** ташкил этсин.

Трансформация маркази қуйидагилар учун масъул этиб белгилансин:

Университетни 2030 йилга қадар халқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингига **биринчи 1 000 талик**

рўйхатга киритиш, шунингдек, Университет таълим дастурлари **халқаро аккредитациядан ўтказилишини таъминлаш** юзасидан стратегияни ишлаб чиқиш;

хорижий тажрибага мувофиқ бакалаврият таълим йўналишларини мақбуллаштириш ҳамда Университетнинг таълим дастурларини халқаро таълим дастурларига мувофиқлаштириш;

2024-2025 йилларда хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотларида камида **200 нафар етакчи профессор-ўқитувчиларнинг стажировкасини** ташкил этиш;

Университетнинг таълим дастурларини хорижий олий таълим ташкилотларининг дастурлари асосида ишлаб чиқиш.

8. Белгилансинки, Университет фаолиятини молиялаштириш:

Давлат бюджети маблағлари, тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар, ҳомийлик хайриялари ва грантлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

2024 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига акретиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади, 2025 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

9. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазирини Ж.А.Кўчқоров ҳамда олий таълим, фан ва инновациялар вазирини К.А.Шарипов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.К.Абдурахманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 7 февраль

НАВБАТДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИСНИ ЧАҚИРИШ ЮЗАСИДАН ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ



Шунингдек, навбатдаги ялпи мажлис кун тартибидан “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида”ги ҳамда “Халқаро меҳнат ташкилотининг Иш ҳақини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 95-сонли Конвенциясини (Женева, 1949 йил 1 июль) ратификация қилиш ҳақида”ги қонунлар ҳам ўрин олган.

Шу билан бирга, сенаторлар 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2023 йилда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифаларнинг ижроси ҳамда 2024 йилда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш, Андижон вилояти ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича “йўл хариталари”да белгиланган вазифалар ижроси тўғрисидаги, Тошкент вилоятида тадбиркорликни ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳолати ҳақидаги масалаларни ҳам қўриб чиқади.

«Халқ сўзи».

ЖАДАЛ ИСЛОҲОТЛАР ВА ЯНГИЛАНИШЛАР

ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН

Бугун ортда қолган йил қувончли ва унутилмас воқеаларга бой бўлганини яна бир бор шукроналик билан эслар эканмиз, мамлакатимиз тенглар ичра тенг бўлиб, жадал ривожланиш йўлини босиб ўтгани янада ойдинлашди.

Халқимиз фаровонлигини таъминлаш ва иқтисодиётимизни юксалтириш борасида сезиларли ютуқларга эришилди. Бу жараёнда чет мамлакатлар тажрибаси ҳам ўрганилиб, 2030 йилга қадар Ўзбекистоннинг “ўртадан юқори даромадли” мамлакатлар гуруҳига кириши учун муҳим ислохотлар амалга ошириляпти.

Нуктаи назар

Ҳаётимизда катта аҳамиятга эга йил

Шу ўринда чет эллик экспертнинг Ўзбекистонни Марказий Осиёнинг янги “кучли йўлбарси”га, минтақасида барқарор ривожнинг драйверига айлантирганини эътироф этганини эслаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Миллий иқтисодиётимизни ислох қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сисбатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чўқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар қўриб келинаётгани шундай дейишга тўла асос бўлган, десак, мунобада эмас. Зеро, жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган кийинчиликларга қарамай Ўзбекистонда 2017 — 2023 йилларда ижтимоий-иқтисодий соҳаларни эркинлаштиришга йўналтирилган ислохотлар натижасида ялпи ички маҳсулот (ҲИМ)нинг ўртача йиллик ўсиши 5,5 фоиздан кам бўлмади.

Янги Ўзбекистоннинг тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, уларга турли имконият ҳамда имтиёзлар бериш, самарали фаолиятни учун зарур кафолатлар билан таъминлаш борасидаги ишлари ҳам мутлақо янгила. Хорижий инвестор ва ҳамкорларимиз узоқ кутган енгиллик ва имкониятлар иқтисодий ислохотларда ўз аксини топмоқда. Валюта тизими эркинлаштирилгани, ташқи бозорларга чиқиш бўйича тўсиқлар олиб ташлангани, 7 мингдан зиёд ҳомашё ва товарларга боғжона боғлари бекор қилингани натижасида ташқи савдо айланмаси икки қарра ошди.

Шу билан бирга, солиқ юки қарийб 2 баробар қамайгани, солиқ маъмуричилиги соддалашгани, Ўзбекистонда минтақамиздаги энг жозибадор фискал тизим шаклланиши халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда. Ислохотларга ишонч ортгани туфайли йиллик хорижий сармоялар ҳамми 2017 йилдагига нисбатан 3 баробар кўпайди. Умуман, мамлакатимизда қулай бизнес муҳити яратилгани натижасида тадбиркорлар сони 4 баробар ошди.

Таъкидлаш жоизки, инвесторлар қаред бўлмасин Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигидан ташкил этилган “Ягона дарча” орқали 14 та ҳудуд, 208 та туман ва шаҳарда ҳамда Ўзбекистоннинг хориждаги барча дипломатик ваколатхоналарида уларга зарур кўмак ва хизматлар кўрсатиляпти.

Умуман, Ўзбекистонимизда товарлар, хизматлар, капитал ва меҳнат бозорларини

ни янада эркинлаштириш сиёсати жадал давом эттирилмоқда. Хусусан, дунёдаги ишлаб чиқариш занжирларига қўшилиш мақсадида Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш учун катта қадамлар ташланмоқда. Бюрократияни қисқартириш ва коррупцияни тағ-томори билан йўқ қилиш бундан буён ҳам давлатимиз ва жамятимизнинг диққат марказида бўлади.

Яна бир муҳим масала. Ўзбекистон камбағаллигини қисқартириш бўйича ўз олди-га катта марраларни қўйган. Уларга эришиш учун тадбиркорларга янги-янги имконият ва шароитлар яратилади.

Мамлакатимизда камбағаллик даражаси 17 фоиздан 14 фоизга пасайиб, 1 миллион фуқаро камбағалликдан қичқиргани алоҳида таъкидлаш лозим. Бундай натижаларга эришишимизда аҳолини замонавий касб-ҳунарларга ўқитиш, уларга муносиб иш ўринлари яратиш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли ва узоқни кўзлаган сиёсат ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

Инфратузилма, тиббиёт, таълим, транспорт, экология каби давлат иқтиёридаги соҳаларда давлат-ҳусусий шериклик лойиҳаларини кенгайтириш, “яшил” иқтисодиёт, айниқса, “яшил” энергия соҳаларини жадал ривожлантиришга қаратилган эътибор ҳам ўз меваларини бера бошлади.

«Яшил» энергия соҳалари янада ривожлантирилади

Кези келганда айтиш жоизки, 2030 йилга қадар электр қуввати ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи энергия манбаларини улушини 40 фоизга етказиш режа қилинган. Башарият дуч келаётган иқлим ўзгариши, Орол денгизи ҳалокати ва бошқа экологик инқирозлар оқибатларини енгиб ўтиш, “яшил” иқтисодиёт ва “яшил” тараққиёт, айниқса, “яшил” энергия соҳаларини жадал ривожлантириш, “яшил” тикланиш ва углерод нейтраллигини таъминлаш, иқлимлик суви, йўл-транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш каби масалаларни самарали ҳал этиш билан бевосита боғлиқ.

Ҳозир Ўзбекистонда қайта тикланидиган энергия соҳасида Европа тикланиши ва тараққиёт банкнинг 600 млн. евро маблағи иштирокида йирик лойиҳалар бошланган. Қолаверса, “ACWA Power”, “Masdar”, “Total Eren” каби жаҳоннинг нуфузли компаниялари мамлакатимизда йирик қўёш ва шамол электр станциялари лойиҳаларини амалга оширмоқда. Шу йилнинг ўзида 2 минг мегаваттдан зиёд, кейинги йилда эса 8 минг мегаваттлик қувватлар ишга туширилади.



Бир пайтнинг ўзида “яшил” тараққиётга эришиш учун “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва уни ривожлантиришни замоннинг ўзи талаб этмоқда. Шу мақсадда қайта тикланувчи энергия манбаларини 25 минг мегаваттга, уларнинг улушини ҳозирги 14 фоиздан 40 фоизга етказиш, 2024 йилдан бошлаб саноатда “яшил сертификат”лар бозорини яратиш, автобусларни тўлиқ экологик тоза электр ёки газ ёқилгисига ўтказиш, барча янги йўл ва асбоб-ускуналарга энергия тежаш бўйича талабларни жорий этиш мақсад қилингани, натижада иқтисодиётда энергия самарадорлиги 2 қарра ошиб, 2030 йилга бориб 50 млрд. киловатт-соат “яшил” энергия ишлаб чиқарилади.

Янги станциялар ишга тушиши билан 10 минг километр магистраль ва 110 минг километр ҳудудий электр тармоқлари барпо этилади. Утган йилларда Ўзбекистонда иссиқлик, қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш бўйича хорижий инвесторлар билан умумий қиймати 16 млрд. 62 млн. долларга тенг бўлган 34 та битим имзоланди. Бу — Ўзбекистонда инвесторлар томонидан 34 та замонавий электр станция қурилади дегани.

Аҳамиятлиси, Ўзбекистон тарихида биринчи марта аҳоли хонадонидан ўрнатилган қуёш панеллари ёрдамида ишлаб чиқарилган электр энергиясини давлат томонидан сотиб олиш амалиёти йўлга қўйилди. Шунингдек, электр қувватини ис-теъмолчиларга сифатли ва барқарор етказиш мақсадида сўнгги беш йилда қарийб 46 минг километр узатиш тармоқлари ва 14 мингта трансформатор пункти янгиланди. Бунинг натижасида эса 7,5 мингдан ортиқ маҳаллаларнинг электр таъминоти яшиланди.

IT хизматлар экспорти ҳажми ўртача 2 баробар ортди

Янги Ўзбекистон — рақамли жамяят қуриш, барча соҳада замонавий ахборот-коммуникацияларидан умумий фойдаланишга интиляётган мамлакат. Рақамли иқтисодиётини фаол ривожлантириш, барча тармок ва соҳада, аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Эътиборлини шундаки, ҳар йили IT хизматлар экспорти ҳажми ўртача 2 баробар ортаётти. “Электрон ҳукумат” соҳасида

амалга ошириляётган чора-тадбирлар қатори халқаро ташкилотлар томонидан ижобий баҳоланмоқда.

Хусусан, ўтган йили Ўзбекистон БМТнинг “Электрон ҳукумат” рейтингида 18 поғона кўтарилиб “тез ривожланаётган давлатлар” қаторига кирди, Жаҳон банкининг “Давлат технологиялари етуклиги” рейтингида эса 37 поғонага кўтарилиб, дунёда 43-ўринни эгаллади. Марказий Осиёда ҳамкорликни ривожлантириш янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг устувор йўналишларидан биридир. Минтақа давлатлари раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси ва изчил саъй-ҳаракати натижасида бугун Марказий Осиё яхши қўшнчилик ва шериклиқнинг ёрқин намунасига айлангани айна ҳақиқат. Жўмладан, қўшнларимиз билан иқтисодий муносабатларни кенгайтириш мақсадида қўша инвестиция фондарли ташкил этилди, саноат, энергетика, транспорт ва сув хўжалигида бир қатор йирик лойиҳалар бошланди.

Президентимиз илгари сурган, пировард мақсади ҳар қайси шахс, инсон, ҳар бир оиланинг эркин, фаровон ва тинч ҳаёт ҳақидаги эзгу ният ва орзу-истакларини рўёбга чиқариш бўлган ҳамда жаҳон ҳам-жамяти билан дўстона ҳамкорлик тамоийллари асосида ривожланадиган давлат — янги Ўзбекистонни қуришга қаратилган шиддатли ва тўб ислохотлар бундан кейин ҳам давом эттирилади. Зеро, сўнгги олти йилда мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажми 52 млрд. доллардан 80 млрд. долларга ошди ва бу жадал ривожланишнинг муҳим қўрсаткичидир.

Эътиборлиси, мавжуд салоҳиятдан келиб чиқиб янада юксак марралар белги-ланмоқда. Бунда 2030 йилга бориб ЯИМ ҳажмини 2 баробар ошириб, 160 млрд. долларга етказиш; аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажмини эса ҳозирги 2,2 минг доллардан 4 минг долларга ошириш; натижада Ўзбекистон “даромадли ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига киришини таъминлашдек бош мақсадлар қўзланган.

Бу қандай амалга оширилади? Аввало, илгор технологияларга асосланган саноатни ривожлантириш орқали. Ҳозирги давримиз дунёнинг етакчи мамлакатлари “Туртинчи саноат инқилоби”, “ақли иқтисодиёт”, “инновацион иқтисодиёт”га ўтаётгани билан тасвирланади. Бундай шароитда илгор технологияларга асосланган, инновация ва илмий тараққиёт — миллий иқтисодиётимиз равнақи учун барқарор пойдевор ҳисобланади.

Шу боис давлатимиз раҳбари ташаббусига кўра 2019 — 2021 йилларга мўлжалланган инновацион ривожлантириш стратегияси амалга оширилди, 2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегияси тасдиқланди ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Мамлакатимиз ўз олдида нафақат маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларни бозорга олиб чиқишни, балки илгор технологияларга асосланган саноатни ривожлантириш ва бу орқали меҳнат унумдорлигини 2 баробар ошириш бўйича зарур чоралар қўриш вазифасини қўймоқда. Яъни Ўзбекистон иқтисодиёти мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш эвазига инновацион маҳсулотлар яратиш, ўзлаштириш ва илгор техноло-гияларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали ривожлантирилади.

Рақамли трансформация — давр талаби

Бугунги кунда замон талабидан келиб чиқиб мамлакатимизда телекоммуникация инфратузилмасини яхшилаш, соҳа ва тар-моқларни рақамлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

2023 йилнинг ўзида таълим, банк, мо-лия, боғжона, қишлоқ хўжалиги, геология, кадастр каби соҳаларни рақамли транс-формация қилиш доирасида 100 та дас-турий лойиҳа ишлаб чиқилган. 500 дан зиёд янги IT компаниялар ташкил этилиб, соҳага 475 млн. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция кириб келган.

Йил якуни билан соҳада хизматлар ҳажми 10 трлн. сўмдан, экспорт эса 300 млн. доллардан ошгани эътиборга мо-лик. Бунда ҳудудларда 20 мингдан ортиқ ёшлар мустақил шугўлланиб, халқаро он-лайн платформалар орқали яратган маҳ-сулотини четта сотган.

Юқорида таъкидланганидек, янги Ўзбе-кистон — инвестициявий жозибадор дав-лат. Ўзбекистонга қиритилган хорижий ин-вестициялар ҳажми уч қарра қўйилиб, ўтган йилнинг ў

Муносабат

ҲАР БИР ИНСОН ЎЗ САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШИ УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТ ЯРАТИЛАДИ



Сир эмаски, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳар бир юрtdошимиз учун муносиб яшаш ва ишлаш шароитларини яратишдек улғувор мақсадлар мўжассам. Жумладан, Ватанимиз эртасини белгилаб берадиган ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш доимий эътибор марказида бўлиб келаётир.

Бу ҳақда бежиз сўз очмадик. Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида алоҳида таъкидлаганидек: “Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз — ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратишдан иборат”.

Шу кунларда жамоатчилик муҳокамасига чиқарилган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳасида белгиланган йўналишлар, мақсад ва вазифалар ҳам ана шу эзгу сазй-ҳаракатлар давомийлигини таъминлайди.

Аввало, дастур 5 та устувор йўналиш, қўллаб мақсадини ўз ичига олган бўлиб, уларни амалга оширишга қаратилган аниқ вазифалар ва амалий чора-тадбирлар белгилаб қўйилганлигини айтиш жоиз.

Уларнинг ҳаммаси хусусида биргина мақолада тўхталishi имконсиз, албатта. Шу боис “Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш” деб номланган биринчи йўналиш ҳақида кенгрок сўз юритмоқчимиз.

Мазкур йўналишда 44 та мақсадни амалга ошириш учун 112 та вазифа ва амалий чора-тадбир белгиланган.

Хусусан, мактабгача таълим қамровини 76 фоизга етказиш, давлат мактабгача таълим ташкилотларида компьютер гуруҳларини ташкил этиш, педагогларни хорижий давлатларга маляка ошириш ва стажировкага юбориш, олий таълим муассасаларини дунёнинг энг нуфузли “ТОП — 1000” олий таълим ташкилотлари рейтингига киритиш, муҳандислик соҳасида кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ташкилий-бошқарув фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг илмий фаолият самардорлигини ошириш ва моддий-техник таъминотини мустаҳкамлашга қаратилган долзарб чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Қолаверса, аҳоли орасида тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш,

анемия ва ичак инфекциялари билан касалланиш даражасини камайтириш, аёлларни тазийқ ва зўравонликлардан ҳимоялаш, мамлакатда камбағаллик даражасини тушириш, ёшларни замонавий касбларга ўқитиш, спорт соҳасида илмий тадқиқот ва изланишларни қучайтириш, мафқуравий хуружларга қарши миллий ғоя асосида биргаликда курашиш ҳамда буюк алломалиримизнинг асарлари таржимасини амалга ошириш ва улар асосида рисолалар яратиш ва-зифалари қўйилган.

Шу ўринда айрим рақамларга мурожаат этсак. Давлат дастури лойиҳасида 7,5 минг нафар ёшни замонавий касбларга ўқитиш назарда тутилган бўлиб, бу шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги кунимизда қанчалик долзарб эканлигини тушуниш қийин эмас. Зеро, илғор касб-хунарни эгалламасдан туриб мамлакат тараққиётини ҳам, аҳолининг фаровонлигини ҳам тасаввур этиш мушкул.

Яна бир мисол. Оилавий тадбиркорлик дастури доирасида ажратилаётган кредитнинг камида 40 фоизини ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга йўналтириш, шу билан бирга, 300 минг нафар фарзандимиз бандлигини таъминлаш мақсад қилинган.

Эътибор берилса, булар шунчаки рақамлар эмас. Қараган, 300 минг йигит-қиз ўзининг доимий даромад манбаига эга бўлади. Айни чоғда эса кредитлар салмоғининг ошиши ҳисобига ёш тадбиркорларимиз сафни янада кенгайтириш.

Умуман, жорий йилга мўлжалланган давлат дастури лойиҳаси ўзининг кенг қамрови билан алоҳида ажралиб туради. Икки кўзда тутилган вазифалар худоси бизни улкан мақсадларимизга янада яқинлаштиради, яъни ҳар бир инсон ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароит яратилади. Бу эса биз, сенаторлардан ҳам катта масъулият талаб этиши, шубҳасиз.

Одилжон ИМИНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Фан, таълим ва соғлиқни
сақлаш масалалари
қўмитаси раиси.

ФАОЛ, ИЗЛАНУВЧАН ХОТИН-КИЗЛАР — ЖАМИЯТНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда опа-сингиллари-мизга кўрсатилаётган юксак эътибор тўғрйли хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Айниқса, уларнинг жамиятдаги ролини ошириш, бизнес ва илм-фандаги иштирокини кенгайтириш муҳим вазифалардан этиб белгиланди.

Мушоҳада

Маълумки, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Тараққиёт мақсадлари йўлида фан, техника ва инновациялар тўғрисидаги резолюцияда 11 февраль — Илм-фанда хотин-қизлар иштироки халқроқ куни, деб ёзлон қилинган. Шу боис ҳар йили мазкур санада илм-фан соҳасида хотин-қизларнинг ўрни ва аҳамиятига бағишланган халқроқ тадбирлар ўтказилади.

Мамлакатимизда ҳам бу борада муҳим чора-тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда. Чунончи, Президентимизнинг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан 2022 — 2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳасида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастур тасдиқланиб, ҳар йили “Оила аёл” танловларини ўтказиш белгиланган.

Ташаббускор олма аёлларнинг илмий лойиҳалар танлови айнан хотин-қизларнинг илм-фандаги ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, унинг натижаларига кўра, ҳозирги кунда жами 8 млрд. 467,5 млн. сўмлик 16 та лойиҳа молиялаштирилган.

Шу ўринда рақам ва тахлилларга эътибор қаратадиган бўлсак ЮНЕСКО тадқиқотларига кўра, бутун дунё бўйлаб аёлларнинг фандаги улуши



демияси тизимида ишлаётган 4 минг 760 нафар хизматчининг 40 фоизини, яъни 1 минг 905 нафарини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Юртимизда илмий изланишлар билан машғул 2 минг 146 нафар тадқиқотчидан 695 нафари ҳам аёллардир. Уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида магистратурада ўқийётган барча қизларнинг шартнома пулларини тўлиқ бюджетдан қоплаб бериш учун ҳар йили 200 млрд. сўм маблаг йўналтирилади. Докторантура йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тдан мақсадли квота ажратилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон хотин-қизларининг 7 нафари академик, 271 нафари фан доктори (DSc), 1 минг 411 нафари фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси соҳибалари саналади.

Фахр билан айтиш керакки, ўзбек олималари кимё, биотехнология, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда, айниқса, фаол изланмоқдалар. Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ва гуманитар соҳалар ривожига ҳам хотин-қизларимизнинг иштироки салмоқли ўрин тутади.

Шу боис Президентимиз ҳар бир ҳақиқатда бугунги кунда барча соҳа

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилмоқда.

ҲУКУМАТ ВАКОЛАТЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳасида бир қатор янгиликлар назарда тутилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг мақоми, шакллантириш тартиби, асосий ваколатлари тўғрисидаги бир қатор моддаларга тегишли қўшимча ва ўзгаришлар киритилган. Шу билан бирга, республика ижро этувчи ҳокимият органларининг мақоми, уларни ташкил қилиш ҳамда тугатишнинг аниқ ва ягона тартиби белгиланяпти.

Янги тахрирдаги Конституциядан келиб чиқиб Ҳукуматнинг иқтисодиёт, бюджет, молия ва солиқ, ижтимоий соҳа, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларидаги ваколатлари кенгайтириляпти.

Қонун лойиҳаси айни вақтда масъул қўмита томонидан сиёсий партиялар фракциялари йиғилишлари кун тартибига муҳомадан ўтказиш учун киритишга тайёрланмоқда.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасига “Болаларни зўравонликларнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилди.

БОЛАЛАРНИ ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМ

ордери бериш тизими жорий қилинмоқда. Лойиҳани ишлаб чиқишда Германия, Франция, Дания, Сингапур, Венгрия, Болгария, Албания, Грузия каби давлатларнинг тажрибаси тахлил қилинган.

Айни вақтда қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.

Қонун кучга кирди

ПЕДАГОГ МАҚОМИ ЮКСАЛИШИ — ТАЪЛИМ СИФАТИ ОШИШИ КАФОЛАТИ

Бугун дунё катта суръатларда ўзгармоқда, тараққиёт сония сайин олға илгариламоқда. Бу давр давомийлигида ва келажақда ўзлигимизни сақлаб қолиш, ҳаҳонда ўз ўрнимизга эга бўлиш учун қандай йўл тутиш керак, деган ҳақли савол тугилади. Бу саволга жадид боболаримиз таъкидлаганидек, “Илмдан бошқа наҳот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас” деб жавоб берсак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.



Илм-фан ва таълим-тарбия — жамият ҳамда давлатнинг нафақат бугунги, балки эртанги кунини ҳам ҳал қиладиган масала. Шу боис мамлакатимизда ушбу масалага давлат миқёсида улкан эътибор қаратилмоқда. Чунки қаердаки, ёшлар таълим-тарбияси ўз ҳолига ташлаб қўйилса, шу жойда жамият таназзулга учрайди. Мазрифатларвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё наҳот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир” деган теран сўзлари замонлар оша ўз қийматини йўқотмаган ва йўқотмайди ҳам.

Биз фарзандларни келажаги ва бахти учун яшайдиган болажон ҳалқмиз. Шу маънода, болаларимиз тақдирини ва келажагини “отадек улуғ” деб ҳисоблайдиган устоз қўлига ишониб топширамиз. Уларнинг ёшларнинг порлоқ келажаги йўлида чеккан машаққат ва тўққан кўз нурини ҳар нарсаси билан қийсалаб ҳам, баҳоллаб ҳам бўлмайди. Бугун қандай ютуқча эришган бўлсак, бўларнинг замирида кадрдон ўқитувчи ва устозларнинг ҳиссаси беқеъсидир.

Президентимиз томонидан яқинда имзоланган “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги Қонун мамлакатимизда ўқитувчиларга қаратаётган юксак эътиборнинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Ушбу ҳужжатда педагогларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, фаолиятининг асосий қафоллари, меҳнатига яраша ҳақ тўлаш, рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш таъминоти белгиланди.

Шунингдек, педагогнинг ҳуқуқлари, шаъни, қадр-қиймати ва ишчанлик обрўси давлат ҳимояси остида бўлиши қатъий белгилаб қўйилди. Мазкур қонунга кўра, педагогнинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга, жумладан, ҳудудларни ободонлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилиш тақиқланади.

Педагогдан унинг касбий мажбуриятларига тааллуқли бўлмаган ҳисоботларни ва бошқа маълумотларни, жумладан, битирувчиларнинг бандлиги таъминлангани ҳақидаги ҳисоботларни шакллантиришини ва тақдим этишини талаб қилиш ҳам ман этилади. Унинг зиммасига товар ва хизматларни сотиб олиш мажбуриятини юклаш, хусусан, иш ҳақидан унинг ёзма розилигисиз товар ва хизматлар учун маблаг ўшлаб қилиш ҳам мумкин эмас.

Мазкур қонунда педагогларга докторлик диссертацияси, дарслик ва ўқув қўлланмалар ёзиш учун ихидий таътил берилиши ҳам ўрин олган. Шу қатори ўқитувчиларга муаллифлик дастурларини ва ўқитиш услубиятини жорий этиш, замонавий педагогик воситаларни эркин танлаш, давлат ахборот-ресурс марказлари хизматидан бепул фойдаланиш каби қатор имкониятлар берилмоқда.

Ўқитиш — икки қарра ўқиш, дегани. Ўқитувчилар изланувчан, янгилikka ошуфта халқ. Қонунда педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида ҳам муҳим янгилликлар акс этгани диққатга сазовор.

Дарҳақиқат, ўқитувчи ва мураббийларнинг обрўси жойига қўйилса, меҳнатига муносиб ҳақ тўланса ва рағбатлантирилса, таълим-тарбияда сифат ўзгаришлари кузатилиши, шубҳасиз. Бойси дунёда ривожланган давлатлар мисолида олиб қаралса, ўқитувчига нисбатан ҳурмат жуда юқори. Чунки, энг аввало, илм-фан ва таълимга қаратилган улкан эътибор тўғрйли юксак тараққиёт ва турмуш фаровонлигига эришиш мумкин.

Масалан, Япония императоридан давлатнинг шунчалар илдам ривожланиши сири нимада, деб сўралганида, у: “Мен ўқитувчи Президент обрўсини, Бош вазир маслиҳини, дипломат дахисизлигини бердим”, деган экан. Италияда бўлса, учта қас эгалари тирбанд йўлда қолмаслиги керак: тез ёрдам, ўзи ўқитувчилар ҳамда ўқитувчилар. Англияда эса “Бу бола даҳо, у ўқитувчидек фикрлайди...” дея педагогик касбинини уқитувчилади.

Мамлакатимиз олдида турган энг муҳим мақсад ҳам, вазифа ҳам — дунёдаги тараққиёт топан демократик давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун эркин ва фаровон ҳаёт тарзини қуришдан иборат. Ана шундай шарафли вазифани урдалашда, юртимизда учинчи Ренессансини қуришда биз, қучли билим ҳамда салоҳиятга эга, инсон руҳининг муҳандислари, келажақ бунёдкорлари бўлиши ўқитувчилар меҳнатига танамиз.

Шак-шубҳасиз, мазкур қонун ёшларга илм улашувчи, фуқароларимизга маърифат ва маънавиятни тарбия қилувчи касб эгалари — педагогларнинг мақоми янада оширилга хизмат қилади. Шу билан бирга, янги муваффақиятларга кенг имконият ва ҳуқуқий асос яратлади.

Мухтор ИБРАГИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Эшитув

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган эшитувда бу ҳақда батафсил маълумот берилди.

Унда Транспорт вазирлигининг “Авиа ва темир йўл транспортларида фуқароларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.

Мамлакатимизда авиа ва темир йўл транспорти соҳаларини ислох қилиш, соғлом рақобат муҳитини яратиш, тизимга хусусий секторни кенг жалб қилиш, бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармон ва қарорлари соҳани янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Соҳага оид муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий база яратилиб, доимий такомиллаштирилиб бориляпти.

Эшитувда таъкидланганидек, 2023 йилда Ўзбекистон авиаташувлар бозоридан йўловчи ва ақо ташуш бўйича фаолият юритаётган хорижий авиакомпаниялар сони 40 тага етказилган. Парвозлар географиясини кенгайтириш мақсадида резидент ва хорижий авиакомпаниялар томонидан 20 та янги халқроқ йўналишда қатновлар йўлга қўйилган.

Тадбирда, шунингдек, темир йўл транспортда фуқароларга хизмат кўрсатиш сифатини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам ахборот берилди.

Маълум қилинишича, ўтган йилги темир йўл транспортида маҳаллий йўловчиларни



Бекмирза ЭШМИРЗАЕВ,
«Миллий тикланиш» ДП
фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимизда авиа ва темир йўл транспортларида бўлган талаб кундан-кунга ошиб бораётганини қайд этган ҳолда, авиа ҳамда темир йўл тизимида ташувчиларнинг қонунчиликда мажбуриятлари ва жавобгарлигини аниқ белгилаш, соҳага хусусий сектор ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш муҳим.

ташиш йўналишлари 6 тага оширилиб, 29 тага етказилган. Мазкур йўналишларда 44 та йўловчи поездди ҳаракатланган бўлиб, шулардан 6 таси юқори тезликда ҳаракатланувчи, 6 таси тезкор, 16 таси йўловчи поездлари ҳамда 18 таси шаҳар атрофида ҳаракатланувчи электропоездлардир.

Тошкент — Бухоро — Тошкент йўналишида ҳар кун 3 та, Тошкент — Қарши — Тошкент йўналишида ҳафта-

нучи “Афросиёб” электропоездлари ташувларини амалга оширмоқда. Ушбу электропоезднинг йўловчи сигими 286 ўринли бўлиб, кунига ўртача 2,9 мингтадан 3,5 мингтача йўловчиларга хизмат кўрсатаяпти.

Эшитувда соҳада амалга оширилаётган ишлар билан бирга, айрим камчиликлар маъжудлиги қайд этилди. Хусусан, рақамлаштириш бўйича бир қанча ижобий ишлар

сига 10 та, Тошкент — Самарқанд — Тошкент йўналишида ҳар кун 1 та, Тошкент — Шаҳрисабз — Тошкент йўналишида ҳафтасига 1 та юқори тезликда ҳаракатла-

амалга оширилганига қарамай авиа ва темир йўл транспорти учун чипта харид қилиш жараёнида инсон омилли ҳануз юқори эканлиги, коррупцион ва танлиш-билишлилик ҳолатларининг борлиги қайд этилди. Шу билан бирга, вагонда бирламчи тиббий хизмат кўрсата олувчи мутахассислар йўқлиги, шаҳар атрофи ҳудудларига ҳаракатланувчи замонавий тезкор электропоездлари қатнови ҳанузгача етарли даражада ташкил этилмагани танқид қилинди.

Шунингдек, мамлакатда лизинг асосида олиб келинаётган ҳаво кемалари учун аниқ мезоннинг белгиланмагани, чартер ва мунтазам парвозларни амалга ошириш ҳамда хорижий авиаташувчиларни Ўзбекистон авиаташувлар бозорига жалб этиш бўйича мезонларнинг мукамал эмаслиги, фуқаро авиацияси соҳасини рақамлаштириш ва ўзаро интеграциялашда мезонларнинг белгиланмагани эътирозга сабаб бўлди.

Муҳомада давомиди депутатлар соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича мутасаддиларга бир қатор тақлифларни берди.

Эшитувда кун тартибдаги масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Гулрўх АГЗАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

«МУАЛЛИМ ҚУЛЛУҒИГА ХАТ БЕРУРМЕН...»

1 Улуғ бобокалонимиз бир мак-тубларида “Уммед ила келдим, вале армон била бордим...” дея ўқинган эди. У зоти шарифнинг армонлари бугунги маънавий ислохотларимиз тимсолида рўёбга чиқаётди.

Нафақат ўзбек, балки умумтуркий адабиётнинг буюк намоёнаси бўлган Алишер Навоий ўз даврида дунё халқлари дўстлигини тараннум этган. Айниқса, туркий халқлар бирдамлиги учун шахсан ўзи ибратли фаолият кўрсатган. Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистонда “Туркий адабиёт дурдоналари” 100 жилдлик асарлар жаммасининг нашр этилиши бугунги кунда Алишер Навоий бобомизнинг асрий орзу-умидлари амалга оширилаётганининг яққол исботидир.

Мажмуага умумтуркий адабиёт намуналари, шунингдек, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Озарбайжон, Туркия ва Венгрия мамлакатлари ёзма адабиёти намуналари киритилди. Ана шу мухташам 100 жилдликнинг олтинчи жилди Алишер Навоий ҳазратларининг асарларидан таркиб топган.

Мажмуа нафақат Марказий Осиё, балки туркий тили давлатлар орасида амалга оширилаётган биринчи катта адабий лойиҳа, Ўзбекистоннинг қардош адабиётларга нисбатан эҳтироми рамзи ҳисобланади. Такрор-такрор айтилган бўлса-да, яна бир карра айтадиган бўлсак, Алишер Навоий бобомизнинг ўзлари:

*Олибмен тахти фармонимга осон,
Черк тортимай Хитодин то Хурсон.
Хурсон демеким, Шерозу Табрес,
Ки қилмишдур найи қилким шакаррез,
деб ёзганидек, бугун жаҳон ҳамжамия-ти ўзининг Ўзбекистонга бўлган*

хурматини Алишер Навоий сиймосига бўлган эҳтиром билан халқимизга изҳор этаётди.

Давлатимиз раҳбарининг Хитой Халқ Республикасига ташрифи давомида иқтисодий ҳамкорлик билан бирга маданий ва адабий алоқаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу ташрифдан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш юзасидан куни кеча Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юй Цзюан жанобларини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида қабул қилдик. Ўзбекистон — Хитой адабий ҳамкорлиги хусусида сўз борган ушбу учрашувда Алишер Навоий бобомиз достонларида Хитой — Чин мамлақати ва хитой халқига эҳтиром тараннум этилгани таъкидланди. Улуғ шоирнинг “Фарҳод ва Ширин” достонининг бош қаҳрамони Фарҳод — Чин ҳоконининг ўғли, “Садди Искандарий” достонида эса Чин мамлакатининг Қирвон навоҳиси аҳолисини яъжуж-маъжужлар зулмидан асраш учун таркиби мис, қалай, рух, темир ҳамда тошлардан иборат мустаҳкам истеҳком қурдирилгани ҳикоя қилинади.

Ўз навбатида, улуғ шоир тараннум этган Хитойда бугун Алишер Навоий асарлари кенг ўрганилмоқда. Шанхай Фанлар академияси ҳузуридаги адабиёт ва санъат илмий-тадқиқот институти ҳодимлари У Гочжан ва Пан Цинлин Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонини хитой тилига таржима қилиб, нашр эттирган.

“Наводир ун-нихоя” девонида мактаб, муаллим ва талабалар тарбияси ҳақида, одобли ҳамда хулқ-ахлоқи юксак ўқувчилар хусусида шундай мисралар ифодаланади:

*Қачон мактабқа ул моҳи муадаб
Борур, ўздин борурлар аҳли мактаб.
Бўлур лаҳзи забаржад аҳли ҳайрон,
Чу олур илғига лаҳзи музаҳҳаб.
Дегач абжад, бошига эрилурлар
Қамар бирла қуёш, яъни жаду аб.
Нечукким, мактаб атфоли хуруши,
Ғамидин халқ аро фарёду ё Раб.
Муаллим қуллугига хат берурмен,
Гар озод ўлса ул сарви шакарлаб...*

“Фарҳод ва Ширин” достонида фарзанд тарбияси инсон камолоти ва жамият фаровонлиги асосидир, деган ғоя илҳами бўлиб қолган. Айнан мана шу эзгу ниятлар бугун Президентимиз олиб бораётган ислохотлар моҳиятига нақадар ҳамоҳанг. Достонда Фарҳоднинг илм олиши учун жаҳондаги энг зўр олимлар унинг таълим-тарбиясига жалб этилиши тасвирланади:

*Ўқуб ўтмак, ўқуб ўтмак шиори,
Қолиб ёдида саҳфа-саҳфа бори.
...Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,
Билиб таҳқиқини касб етмаган илм.*

Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида тасвирлаган орзу-ниятларни бугунги кунга солиштириб кўрайлик. Давлатимиз раҳбари томонидан юрти-мизда ёшлар тарбиясига ниҳоятда катта эътибор берилиб, Президент мактаблари, ижод мактаблари бунёд этилаётганини, чет эллардан энг моҳир мутахассис олимлар Ўзбекистонда дарс ўтишга жалб қилинаётгани, жаҳоннинг энг машхур олий ўқув юртлири филиалларининг очилиши, истеъдодли фарзандларимизнинг чет элларга таълим олишга жўнатилаётгани — Алишер Навоий достонида Фарҳоднинг таълим-тарбияси-га қаратилган эътибордан зиёд бўлса зиёдки, лекин кам эмас!

Сирожиiddин САЙИЙД,
Ўзбекистон халқ шоири,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.



Эътироф

ШАНХАЙ ШАҲРИДА МИР АЛИШЕР НАВОИЙ СИЙМОСИГА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ

Атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 583 йиллиги арафасида ғазал мулки султонининг Шанхай шаҳридаги ҳайкали пойига гул қўйиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда мамлакатимизнинг Шанхай шаҳридаги Бош консуллиги ҳодимлари ва мазкур шаҳарда таълим олаётган ватан-дошлар қатнашди.

Алишер Навоий ҳайкали Хитойнинг энг нуфузли таълим муассасаларидан бири — Шанхай университети ҳудудида 2017 йилда қад ростлаган. Ушбу ёдгорлик бугунги кунда нафақат маъруза олишга қўлайлиги билан, балки хорижий меҳмонлар, жумладан, Шанхай шаҳрига ташриф буюрган ҳар бир ватандошимиз учун сеvimли манзилга айланган.

Хусусан, бундан бир неча кун аввал Тошкент ва Шанхай шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишланган тантанали тадбирлар доирасида бу юртга келган бир қатор маданият, санъат ар-боблари ушбу университетида бўлиб, Алишер Навоий хотирасига эҳтиром кўрсатди.

Муҳаммад ПРИМОВ,
Шанхай университетини магистратура босқичи талабаси:

— Ҳар йили 9 февраль санаси улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий таваллуд куни сифатида кенг нишонланади. У ғазал мулкнинг султони ҳамда ўзбек тилининг асосчиси сифатида бутун дунёда тан олинади ва эъзозланади.

Бугун биз Шанхай университети ҳудудида жойлашган Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйиш ва унинг хотирасига ҳурмат бажо келтириш учун тўпландик. Ушбу улуғ сиймо хотирасига бағишланган ҳайкалнинг айнан биз таҳсил олаётган олий ўқув юртида жойлашгани мен каби барча ўзбекистонликларга фахр туйғусини бағишлайди.



Валерия ПАК,
Шанхай университетининг 1-босқич талабаси:

— Алишер Навоий кўплаб девонлар, илмий асарлар ва рисоалар яратиб орқали жаҳон адабиёти ва маданиятига бекиёс ҳисса қўшган. Ва айнаи ҳоғда, унинг улкан илмий-адабий мероси ҳозирги кунга қадар халқлар ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиб келмоқда.

Шанхай университети ҳудудида қад ростлаб турган ушбу маҳобатли ёдгорликни улуғ мутафаккирнинг инсоният тараққиёти, жаҳон маданияти ва халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга қўшган улкан тарихий ҳиссаси учун рамзий миннатдорлик ифодаси, деб биламан.



«Дунё» АА.
Шанхай

Тадбир

УЛУҒ МУТАФАККИРНИНГ ЯПОНИЯЛИК МУХЛИСИ

Навоий шаҳрида улуғ мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 583 йиллиги муносабати билан Республика Маданий мерос агентлиги томонидан “Навоий ва табиат билан мулоқот” деб номланган бадий кеча бўлиб ўтди.

Токиодаги Алишер Навоий ҳайкали ташаббускори бўлган Дайсаку Икеда хотирасига бағишланган ушбу тадбир аввалида иштирокчилар Д. Икеданинг юртимиз табиати, халқимиз маданий меросига бағишланган фотоальбому кўргазмаси билан танишди.


— Дайсаку Икеда Ўзбекистон — Япония археологик тадқиқотлари асос солган киши ҳамдир, — дейди Республика Маданий мерос агентлиги директори Турсунали Қўзиев. — У ўтган асрнинг 80-йиллари охирида катта археологик экспедиция юбериб, “Ўзбекистон жануби қадимийлари” катта альбомуни нашр эттирган эди. Унинг ташаббуси билан Ўзбекистон халқ рассоми Равшан Миртожиев муаллифлигида Алишер Навоий ҳайкали яратилиб, 2004 йилда Токионинг Сока университети ҳудудида қад ростлади. Йигирма йилдирки, ушбу ҳайкал пойида сана муносабати билан япон ва ўзбек тилларида шоир ғазаллари янграб, навоийхонлик тадбирлари ўтказилади.

Тадбир якунида Дайсаку Икеданинг ҳаёти ҳамда фаолиятига бағишланган видеолар ҳам намойиш этилди.

Темур ЭШБОВ
(«Халқ сўзи»).

Китоб жавонингизга

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий — мумтоз адабиётимиз асосчиси. Унинг ҳар бир асари, айниқса, беш достондан иборат “Хамса”си улуғ шоирнинг заволи билмас хазинасида жаҳоҳирлар шодаси каби ёғду таратиб туради.



ЖАВОҲИРЛАР ШОДАСИ

Президентимизнинг 2020 йил 19 октябрдаги қарорига мувофиқ, юртимизда улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги кенг нишонланди. Мазкур қарорда кўплаб вазифалар қатори Алишер Навоийнинг ижодий меросини оммабон, содда ва тушунарли тарзда халққа етказиш вазифаси ҳам белгиланди. Бу борада олим ва тадқиқотчилар

томонидан салмоқли ишлар амалга оширилди.

Шундай эзгу ишларнинг давоми сифатида буюк шоир ижодининг қалби бўлмиш “Хамса” асари қайта нашр этилди. Мазкур нашрнинг аввалгиларидан асосий фарқи шундаки, унда ҳар байт насрий баёни билан бир жойда келтирилган. Бу қулайлик бугунги китобхонга мумтоз шеърятнинг ма-

ҳобатли қасрларига кириш учун қалит вазифасини ҳам ўтайди.

Мазкур китоб ёш авлоднинг кўнглида эзгулик, диёнат, маърифат ва муҳаббат каби эзгу туйғуларнинг барқарор ҳамда бардавом бўлишига кўмак беради, дея ишонамиз.

«Халқ сўзи».

Сўз саройининг хазинабони

Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг ижоди, ижтимоий фаолияти башариёт маънавиятига, эл-юртга хизмат қилишнинг бетакорр намунаси, десак, адашмаймиз. Зотан, у ўзининг бутун умрини инсоннинг бахт-саодати учун курашга, халқнинг осойишталиги ва фаровонлигини таъминлашга, ободончилик ишларига, илм-фан, санъат ва адабиёт тараққиётига бағишлаган Ватаннинг фидойи фарзанди бўлган.

Тўғри, тарихда буюк инсонлар кўп ўтган. Аммо Алишер Навоийдек сўзи орқали инсон қалбига ҳикмат юктиролган, руҳига донишмандлик чироғини ёқа олганлари жуда санокли. Буюк шоирнинг ҳар бир мисра, байтини ўқиб, олам-олам маъно толамиз, бекиёс заковатидан ҳайратга тушамиз.

Хорижлик навоийшунос олимлар, адабиётшунос ва шоирларнинг қуйидаги фикр-мулоҳазалари шу ҳақда.

Мулоҳаза

Азизуллох ОРАЛ,
адабиётшунос,
навоийшунос олим (АҚШ):

— Ватан, миллат, истиқбол учун қайси насл ва авлод қандай эзгу иш, қандай улкан юмушларни амалга оширмасин, ажодлар руҳи уларни, албатта, қўллаб-қувватлаб туради. Мозий ва замон, ажод ва авлод орасидаги сирли, ўша ҳосиятли робита ворисийлиқдир.

Бадий ижоддаги анъана ва издошлиқда ҳам шундай боғла-

ниш, адабиёт истиқболига хизмат қиладиган ворисийлик мавжуд. Устоз санъаткорлар таърибасини давом эттирган истеъдод борки, уларга суянади. Илк одимлариданок Алишер Навоий бу ҳақиқатни чуқур англаган, ҳис қилган. Демак, адабий анъаналарни янгилаш ва бойитиш эҳтиёжи, биринчи галда, илҳом ва шижоат билан тўлиб-тошган кучли шахсиятнинг адабиётга кириб келишига йўл очган. Шу маънода, ҳазрат Навоийнинг шахсидан қанча ибрат олсак, шунча оз. Зеро, муаззам бир тоғ бағридаги бойлик, бепойн

Шахриёр Дел ГЕРОНИЙ,
шоир ва журналист
(Озарбайжон):

— Яқинда Алишер Навоий асарлари, ғазаллари, жумладан, “Хамса” асари тўлиқ озарбайжон тилига ўғирилганидан хабар топдим. Устоз таржимон Ромиз Аскар хизмати билан энди буюк мутафаккирнинг беҳад гузал ашъорлари, кўпчилик ҳамиша ўқишга мушток бўлган беш ганждан иборат “Хамса”сини озарбайжонликлар ўз тилида бема-

лол мутолаа қилиши мумкин. Очиги, бу асарни бир замонлар ўзбекчада ўқигандим, бироқ ўшанда баъзи сўزلарни тушунишга қучим етмадимки, кўпам лаззат ололмагандим. Бугун эса ўқишга нафақат мен, балки Алишер Навоийнинг озарбайжонлик барча мухобларига имконият пайдо бўлди.

“Кеча келгундир дебон...” ғазалини ёшлигимдан ёд биламан. Ўшанда адабиётга ҳали қирмаган, шеър ёзмаддим, аммо ушбу ғазал нағдир юрагимга муҳрланган, бир-икки ўқишдаёқ ёдлаб олгандим. Адабий давраларимизда Алишер Навоий ҳақида гап кетса, биринчи шу шеърни ўқийдиган бошлайман. Энди-энди тушуналманки, ушбу ғазалнинг кўнглимдан жой олишига сабаб унда улкан муҳаббат бор, меҳр бор, қайғу ва армонга тўла ишқ бор экан. Шеър-севар юрагим эса ўша ишққа ошиқ бўлган.

Ошиқ юракларимиз кўксимизда питирлаб турар экан, буюк шоирнинг хазинамизга айланган асарлари, ишқ тўла достонлари, оташин ғазаллари барҳаётдир, заволи билмай ашайверади.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 17 587 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетани ҳақиқатий маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопилбист 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.41 Топширилди — 01.25 1 2 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусаҳҳих — С. Исломов.